

*Маденова Эльмира Нзаматдиновна -
Иқтисодиёт кафедраси доценти PhD,
Қорақалпоқ давлат университети*

СТРАТЕГИК РЕЖА СЦЕНАРИЙЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИБ МИНТАҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Маколада Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ривожлантириш стратегик режасининг сценарий ва вариантларини ишлаб чиқишда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тенденциялари таҳлили, тизимли муаммолар, номутаносибликлар, ҳавф-хатарлар мавжудлиги, ички ва ташқи талабнинг ўзгариши, табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурати чегараланган ресурсларнинг таъсири сингари омилларга асосланади.

Калит сўзлар: минтақа, экология, иқлим, стратегия, таҳлил, прогноз, демография

*Маденова Эльмира Нзаматдиновна -
Каракалпакский государственный университет
Доцент кафедры экономики, PhD*

ПЕРСПЕКТИВЫ РЕГИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ЧЕРЕЗ РАЗРАБОТКУ СЦЕНАРИЕВ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПЛАНА

Аннотация: Статья основана на анализе тенденций социально-экономического развития при разработке сценариев и вариантов стратегического плана устойчивого развития Республики Каракалпакстан, системных проблем, дисбалансов, рисков, изменения внутреннего и внешнего спроса, необходимости эффективного использования природных ресурсов.

Ключевые слова: регион, экология, климат, стратегия, анализ, прогноз, демография.

*Madenova Elmira Nzamatdinovna -
Karakalpak State University
Assistant professor department of Economics PhD*

PROSPECTS FOR REGIONAL DEVELOPMENT THROUGH THE DEVELOPMENT OF STRATEGIC PLAN SCENARIOS

Abstract: The article is based on the analysis of socio-economic development trends in the development of scenarios and options for the strategic plan of sustainable development of the Republic of Karakalpakstan, systemic problems, imbalances, risks, changes in domestic and external demand, the need for efficient use of natural resources.

Keywords: region, ecology, climate, strategy, analysis, forecast, demography.

Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ривожлантириш стратегик режасининг сценарий ва вариантларини ишлаб чиқишда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тенденциялари таҳлили, тизимли муаммолар, номутаносибликлар, ҳавф-хатарлар мавжудлиги, ички ва ташқи талабнинг ўзгариши, табиий-иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурати чегараланган ресурсларнинг таъсири сингари омилларга асосланади.

Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва юқори ўсиш суръатларига эришишда минтақаларнинг бой табиий-иқтисодий салоҳияти ва рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Худудлар, туман ва шаҳарларни комп-

лекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш”га[2] алоҳида урғу берилган. Мамлакатимиз минтақалари орасида Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг бой минерал хомашё ресурслари, ер ва сув захираларининг чекланганлиги, халқаро аҳамиятга эга Орол денгизи муаммолари билан ажралиб туради. Бу ҳолат минтақада мавжуд табиий-иқтисодий салоҳият афзалликларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий омиллар таъсири камайитиришга йўналтирилган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга оширишни тақозо қилади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасини 2020-2023 йилларда комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Минтақада йилига 2,5 миллиард куб метр сувни тежаш чоралари кўрилади. Бунинг учун 14 минг 200 километр каналларни таъмирлаш, 45 минг гектар экин майдонида сув тежовчи технологиялар жо-


МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИ

рий этиш, сув ажратиш нуқталарида ҳисоблагичлар ўрнатиш, 38 минг гектар майдонни лазер ёрдамида текислаш жуда муҳим.

Дастурда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган Тахтакўпир, Бўзатов, Шуманай туманлари бўйича алоҳида чоралар назарда тутилган. Хусусан, бу туманларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий

инфратузилмани яхшилаш учун 2021-2023 йилларда 409 миллиард сўмлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланганди.

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда стратегик режанинг сценарийларини ўзаро боғлиқ асосий йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш мумкин (1-расм).



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси стратегик режасининг асосий йўналишлар бўйича сценарийлари

Орол денгизи сценарийлари. Орол денгизи муаммоси глобал халқаро аҳамиятга эга бўлиб, у планетамиз аҳолисининг келажаги ва тараққиётига хавф солиб турибди. Дунёда энг нуфузли Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳам расмий Орол денгизи фожиасининг жаҳон миқёсидаги йирик экологик муаммо эканлигини тан олган. Шу сабабли ҳозирги кунда ва келажакда Орол денгизи фожиаси ва экологик оқибатларидан қутилиш йўлини қидириш дунё, Ўрта Осиё, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамжамиятига тегишлидир. Орол фожиаси инсоният тарихида энг йирик экологик ва гуманитар ҳалокат бўлиб, унинг бевосита таъсирида яшовчи аҳоли сони 50,0 млн. кишини ташкил этади. Денгиз қуриши натижасида мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий, демографик

муаммолар юзага келган.

Бугунги кунда денгиз қирғоқларининг чеккиниши натижасида кўплаб чучук сувли кўллар йўқолди, тўқайлар майдони икки марта, қамишзорлар майдони олти марта, яйловларнинг маҳсулдорлиги икки марта қисқарди. Туз-қум кўчининг таъсири натижасида ҳайдаладиган ерлар ва яйловларнинг шўрланиш даражаси кучайди. Бу эса ўсимлик қопламанинг йўқолиши ва кўчиб юрвчи қумларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Мутахассисларнинг фикрича, кўра йилига ҳавога кўтариладиган қум миқдори 15-75 млн.тн.ни ташкил қилади. Орол қум чанглари Европа давлатларида ҳам топилган.

Охирги 57 йил давомида Орол денгизи чуқурлиги 27 метрга камайиб кетган (1-жадвал).

1-жадвал

Орол денгизи кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	1960 й.	1990 й.	2010 й.	2019й.
Денгизнинг чуқурлиги, м	53,4	38,2	28,0	26,0
Сув ҳажми, км ³	1083,0	323,0	70,0	65,0
Сув сатҳи майдони, минг км ²	68,9	36,8	17,0	16,0
Сувнинг минераллашув даражаси, %	9,9	29,0	100,0	100,0
Қуйилаётган сувнинг миқдори, км ³ /йил	63,0	12,5	2,0	2,0

Манба: Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан амалга оширилган лойиҳа ва дастурлардан олинган маълумотлар асосида ҳисобланган, 2019 йил эксперт баҳолаши.

БМТнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича лойиҳаси (экологик индикаторларни шакллантириш асосида табиий муҳит мониторинги) маълумотларига кўра денгиздаги сув миқдори 1083 км³дан 70 км³гача тушиб кетганини куза-

тиш мумкин. Сувнинг шўрланиш даражасини денгизнинг ғарбий қисмида 110-112 грамм/литр, шарқий қисмида 280,0 грамм/литрга етган. Орол денгизи ҳақиқатда ҳаётсиз сув омборига айланиб қолди. Қурган денгиз сатҳи 4,0

млн.га ошиб кетди.

Юқорида келтирилган индикаторлар динамикаси, шунингдек Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш бўйича халқаро ташкилотлар, олим ва мутахассисларнинг таклиф ва мулоҳазаларини таҳлил қилиб, денгиз майдонининг узок муддатли истиқболида ўзгариши сценарийлари ишлаб чиқилган (2-жадвал).

Биринчи сценарийда сўнгиги йилларда денгиз сатҳининг камайиш тенденцияси давом этиши асос қилиб олинган. Ушбу инерцион сценарийда 2030 йилда денгиз сатҳи 13 минг кв.км, 2040 йилда эса 7,0 минг кв.кмгача камайиши прогноزلантирилган.

Биринчи сценарийда сўнгиги йилларда денгиз сатҳининг камайиш тенденцияси давом этиши асос қилиб олинган. Ушбу инерцион сценарийда 2030 йилда денгиз сатҳи 13 минг кв.км, 2040 йилда эса 7,0 минг кв.кмгача камайиши прогноزلантирилган.

2-жадвал

Орол денгизи сатҳининг ўзгариш сценарийлари (минг км²)

Йиллар	I сценарий	II сценарий	III сценарий
2017	16,0	16,0	16,0
2030	13,0	5,0	14,0
2040	7,0	0,0	12,0

Манба: Муаллиф томонидан Гидрометеорология маркази, Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Интернет маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Иккинчи сценарийда, Европа космик агентлиги олим ва мутахассисларининг космосдан олинган Орол денгизи фотосуратлари ва унинг таҳлили 2040-2050 йилларга бориб, Орол денгизининг қуриб қолиши прогноз қилинган.

Учинчи сценарийда иқлим ва ёғингарчиликнинг даврий ўзгариши, маълум даражада Амударё сувининг айрим йилларда Орол денгизига етиб бориши кенг қўламда чора-тадбирларни амалга оширишни ҳисобга олиб, денгиз сатҳи 2040 йилда 16 минг кв.кмдан 12 минг кв.кмга камайиши мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Орол денгизини сақлаб қолиш жуда қийин масала ҳисобланади. Агар Сирдарё ва Амударё сувлари ишлатилмай, тўла келиб қуйилган ҳолда ҳам Орол денгизига илгари мавжуд сув миқдорига етиш учун 200 йил керак бўлади.

Орол денгизини сақлаб қолишга қаратилган бир қатор лойиҳалар мавжуд бўлишига қарамай, уларни амалиётда қўллаш жуда мушкул ва йирик моддий ва молиявий харажатларни талаб этади. Ушбу лойиҳалар қаторига Россиянинг Сибирдаги Обь дарёси сувларини Ўрта Осиёга олиб келиш, Каспий денгизи сувларини Устюрт орқали Орол денгизига қуйиш, мавжуд барча сув омборларидаги сувни Орол денгизини тўлдириш учун юбориш ва ҳаказо киради.

Мутахассисларнинг фикрича, Орол денгизини амалий жиҳатдан сақлаб қолиш жуда мураккаб. Асосий мақсад шу ерда яшаётган аҳоли ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат. Шу сабабли Орол денгизининг қуриши ва экологик вазиятнинг оқибатларини камайтиришга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Масалан, қуриб қолган денгиз тубида кичик сув ҳавзаларини яратиш, туз ва қум бўронларини ка-

майтириш учун ҳавзада ўсимликларни экиш лозим.

Бу борада ҳозирда амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирларни қайд этиш лозим. Улар халқаро трест жамғармаси тузилиши, Орол бўйи халқаро инновацион маркази ташкил этилиши, қуриган денгиз тубида ҳимоя ўрмонзорларини яратиш, Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилган.

Юқорида қайд этилган Орол денгизи қуриш сценарийларининг салбий оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- намликнинг ёмонлашуви ва атмосферада намликни сақлаб туришнинг камайиши;
- қум ва туз кўчкларининг ҳавога қўтарилиш даражаси ошиши ва қуриган денгиз тубидан уларнинг атрофга тарқалиши кучайиши;
- чўллашув жараёни кучайиши.

Айниқса салбий оқибатларнинг даражаси биринчи ва иккинчи сценарийларда нисбатан юқори бўлиши кутилмоқда.

Қабул қилинган учинчи сценарийда олдиндан чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш натижасида Орол денгизи сатҳи тезда камайиб кетишига йўл қўймаслик сабабли экологик, ижтимоий ва иқтисодий салбий таъсирларни юмшатиш мумкин.

Иқлим ўзгариши сценарийлари. Гидрометеорология хизмати маркази томонидан Қорақалпоғистонда иқлим ўзгаришининг иккита сценарийси (варианти) ишлаб чиқилган[11]. Сценарийларни ҳисоблаш ва асослашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотлари томонидан тақдим этилган математик моделлардан фойдаланилган. Шу асосда ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг кузатилаётган ўзгаришлари аниқланган (3-жадвал).

Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати ўзгаришининг иқлимий сценарийлари (°C)

Кўрсаткичлар	I сценарий			II сценарий		
	2030 й.	2050 й.	2080 й.	2030 й.	2050 й.	2080 й.
Ўзбекистон Республикаси	1,2	2,2	4,0	1,5	2,2	3,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1	2,0	3,7	1,3	2,0	3,2

Манба: Муаллиф томонидан Ўзбекистон гидрометеорология хизмати маркази маълумотлари асосида тайёрланган.

Биринчи сценарий 1995 йилдан бошлаб кузатилаётган иқлимнинг ўзгариш тенденциялари ва атмосферада углевод диоксиди концентрациясининг ўзгаришига асосланади. Ушбу сценарийга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида 2030 йилда ҳаво ҳароратини 1,1 °Cга 2050 йилда 2,0°Cга, 2080 йилда 3,7 °C ортиши кутилмоқда. Мавжуд ҳолат, ўз навбатида, ёғингарчилик миқдори камайиши, қурғоқчиликнинг маълум даражада ошишига олиб келади. Ушбу сценарийнинг салбий оқибатлари чўллашув жараёни кучайиши, сув сифати ва ернинг бонитети камайишига олиб келади.

Иккинчи иқлимий сценарийга мувофиқ, иқтисодиётни модернизациялаш, мавжуд хавфхатарларни юмшатиш чоралари натижасида CO газлари ҳажмининг 10 % гача пасайиши кўзда тутилган.

Мавжуд сценарийда ҳаво ҳароратининг 2080 йилга келиб, 3,2 °C эҳтимоли мавжудлигини борлигини кузатиш мумкин. Иқлимнинг бундай ўзгариши Орол денгизи бўйидаги мураккаб экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади. Амударё ҳавзасида 2030 йилга келиб, сув оқимининг 10-15 %га, кейинчалик 20 %га камайиш тенденцияси кутилмоқда.

Асосий сценарий сифатида қаралаётган II иқлим сценарийсининг натижалари қуйидагилардан иборат:

- юқори табиий ўзгарувчанлик шароити-

да, ҳаттоки ёғинлар миқдори ортган тақдирда ҳам сув оқимининг ҳажми ошиши кутилмайди;

- 2030 йилгача бўлган даврда ҳозирги сув оқим меъёрлари сақланиб қолиши тахмин қилинмоқда;

- ҳаво ҳарорати кўтарилган сари дарёларнинг оқими камаяди. Амударё ҳавзаси айниқса иқлим ўзгаришига таъсирчанлиги кутилмоқда;

- вегетация даврида сув оқимининг камайиши прогноз қилинган.

Иқлим ўзгаришлари айниқса Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун унинг таркибини ўзгартиришига қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Демографик сценарийлар. Сценарийларни тузишда икки хил ёндашувдан фойдаланилган. Сценарий Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан амалга оширилган демографик прогнозларга асосланади.

Сценарийда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 1,2 %ни ташкил қилади (4-жадвал). Мавжуд сценарийнинг асосий оқибатлари меҳнат ресурслари сонининг юқори даражада ошиши, иш жойларини ташкил этиш муаммосининг янада кескинлашуви олиб келиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида демографик ривожланиш сценарийлари

Кўрсаткичлар	2030 йил		2040 йил	
	I сценарий	II сценарий	I сценарий	II сценарий
Аҳоли сони, жами	1985,0	1900,0	2400,0	2500,0
Шаҳар аҳолиси	1009,5	1015,0	1449,0	1500,0
Қишлоқ аҳолиси	975,5	885,0	960,0	1000,0

Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тайёрланган.

Иккинчи сценарий, ер ва сув ресурсларининг танқислиги, экологик вазиятнинг нокулайлигидан келиб чиққан ҳолда аҳолиси сонининг ошиш суръати 1,2 %га тенг бўлиб, шаҳар аҳолиси сонининг қишлоққа нисбатан тезроқ ошиши кўзда тутилган. 2040 йилда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг сони 2,5 миллион, яъни биринчи сценарийга нисбатан 1000 минг кишига камроқ бўлиши прогнозлаштирилган.

Аҳоли ўсиш суратлари камайиши айрим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ижобий натижаларни бериши билан бир қаторда бандлик ва янги иш жойларини ташкил этиш долзарблиги янада кучайишига олиб келади.

Таклиф этилган сценарийлар, уларнинг оқибатлари маълум даражада минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ички ва ташқи омилларини белгилаб беради. Ушбу сценарийлардан бевосита ижтимоий-иқтисодий

сценарийларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тизимга мувофиқ ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг сценарийлари Орол денгизи, иқлим, демография сценарийларига асосланган.

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий сценарийлари барқарор ривожланиш мақсадларига келажакда иқтисодиёт таркибини шакллантиришнинг устувор йўналишлари, ташқи ва ички хатарларни (Орол денгизи фожиаси, иқлимнинг ўзгариши, демографик ва экологик жараёнлар) олдиндан аниқлаш ва оқибатларини юмшатиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган.

Биринчи сценарий, охириги ўн йил давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш трендлари, яъни инерцион стратегиясига асосланган. Ушбу сценарийга мувофиқ, Орол денгизи фожеаси, иқлим ўзгариши, демографик жараёнларнинг салбий оқибатларини кучайиши натижасида иқтисодий ўсиш суръатларининг камайиб кетиши кўзда тутилган. Маълум маънода бу сценарийни ноқулай ёки пассив деб айтиш мумкин.

Айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бир қатор тўсиқларнинг пайдо бўлиши ва кучайиши (чўллашув жараёни кучайиши, сув

захиралари ва экиладиган ер майдонларининг камайиши), уни барқарор ривожланишини таъминлай олмайди.

Инвестицион фаолликнинг паст даражада сақланиб қолишида, салбий оқибатларнинг пайдо бўлиши ва кучайиши (чўллашув жараёни кучайиши, сув захиралари ва экиладиган ер майдонлари камайиши), уни барқарор ривожланишини таъминлай олмайди. Инвестицион фаолликнинг паст даражада сақланиб қолиши, минтақада саноатни ривожлантириш, мавжуд минерал хомашё захираларини ўзлаштириш секинланишига сабаб бўлади. Шунингдек ушбу сценарийда янги газ конларини топиш ва ўзлаштириш кўзда тутилган юқори натижаларни бермаслиги ҳам прогноз қилинган.

Умуман, биринчи сценарийнинг асосий натижаси ва оқибати иқтисодий ўсишнинг камайиши (2040 йилда 4-5 %), иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг нисбатан мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятга мувофиқ кел-маслиги (саноат ва хизматларнинг улуши ошиши талаб даражасида бўлмаслиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни кескин камайиб кетиши), минтақанинг келажакда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси энг паст бўлиб қолишидир (5-жадвал).

5-жадвал

Узоқ истиқболда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясининг сценарийлари

Кўрсаткичлар	I сценарий (инерцион)		II сценарий (модернизацион)	
Ялпи худудий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, %	109,0	106,0	110,0	109,0
Минтақа иқтисодиёти таркиби шаклланиши:	27,0	29,0	33,0	38,0
- саноат				
- қишлоқ хўжалиги	20,0	15,0	16,0	10,0
- хизматлар	51,2	52,0	51,0	52,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалчиликни қисқарттириш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф тайёрлаган.

Иккинчи сценарий, нисбатан қулай ва фаол бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик муаммоларни ўзаро мувофиқлашган ҳолда ҳал этиш орқали барқарор ўсишни таъминлайди. Асосий эътибор мавжуд ва келажакда кутилаётган тўсиқлар, хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш, ўз вақтида уларнинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган чоратadbирлар ишлаб чиқиш ва инвестицион фаолликни кескин оширишга қаратилган.

Ушбу сценарий мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётини янада юқори даражага кўтариш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга мўлжалланган.

Қорақалпоғистон Республикасини барқарор ва мувофиқлашган ҳолда ривожланиши асосан саноат ва хизматларни нисбатан тез суръатлар билан ривожлантириш ҳисобига амалга оширилади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини минтақанинг ўзига хос табиий ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик қуроллантириш энг замонавий инновацион ютуқларни қўллашга асосланади.

Минтақанинг ўзига хос хусусиятлари, нисбий афзалликлари, ривожланишнинг хавф-хатарларини ҳисобга олган ҳолда демографик, экологик, иқлим ва ижтимоий-иқтисодий сценарийлар ишлаб чиқилган. Ушбу сценарийлар тизимли стратегиянинг мақсадли режасини, кела-

жақдаги салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган. Қиёслаш орқали танлаб олинган сценарийга мувофиқ 2040 йилгача минтақа иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши керак бўлган ислохотлар, рақобат афзалликлари, иқлим ва экологиянинг салбий таъсирини камайтириш, барча соҳаларда инновацион ва рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар натижасида

барқарор иқтисодий ўсишни ва аҳоли ҳавфсизлигини таъминлаш кўзда тулади.

Умуман хулоса қиладиган бўлсак, минтақа табиий-иқтисодий салоҳиятининг кучли томонлари (афзалликлари) ривожланиш стратегиясини илмий асослашда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда, аҳоли турмуш даражасини янада оширишда асосий туртки бўлиб хизмат қилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, 2017 йил 8 сентябр, ПФ-5185-сон.
2. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент, 2017 йил, 7 феврал.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қорақалпоғистон республикасини 2020-2023 йиллар комплекс ривожлантириш давлат дастури" 2020 й 10-ноябрь.
4. Проведение социально-экономического обследования потребностей и нужд в регионе Приаралья. Краткий отчет ПРООН, 2017, с-14.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январ-июнда қабул қилган қарорлари. (2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида).
6. Солиев А. "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси". -Тошкент. Университет 2014 й. 404-б.
7. Егоршин А.И. Теория и практика стратегического планирования в регионе. М.2004, - 163 стр.
8. Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси. -Т.: IFMR, 2013, - 252 б.
9. Минтақани барқарор ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқиш йўллари. Монография. Э.Н. Маденова, О. Назарбаев 2019 й.
10. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2018 год. -Тошкент. Госкомстат. -198 с.
11. Иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий ахбороти, БМТ.-Тошкент, 2016 йил. 75 б.

**Маъмуров Бахтиёр Холматжанович –
ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари"
ИТМ докторанти**

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли трансформациянинг моҳияти ҳамда рақамли иқтисодиётни ягона тизим сифатида ҳудудларнинг ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсири тадқиқ этилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шаклланиши, рақамли трансформация жараёни ва унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ахборот коммуникация технологияларини қўллаш бўйича назарий ва амалий тавсиялар келтирилган.

Асосий тушунчалар. рақамли иқтисодиёт, рақамлаштириш, трансформация, рақамли трансформация, ахборот коммуникация технологиялари, ҳудудий иқтисодиёт, рақамли инфратузилма, интернет.

**Маъмуров Бахтиёр Холматжанович -
докторант, НИЦ "Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана" при ТГЭУ**

СУЩНОСТЬ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ И ЕЕ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ РЕГИОНОВ

Аннотация. В статье исследуется природа цифровой трансформации и влияние цифровой экономики на экономическое развитие регионов и стран как единой системы. Также сформулированы теоретические и практические рекомендации по формированию цифровой экономики в Узбекистане, использованию ИКТ, способствующих ее развитию регионов и ускорению цифровой трансформации в Узбекистане.

Ключевые слова. цифровая экономика, цифровизация, трансформация, цифровая трансформация, информационно-коммуникационные технологии, региональная экономика, цифровая инфраструктура, интернет.